

ШАРТНОМА № \_\_\_\_\_

Ҳайдовчилар малакасини ошириш бўйича таълим хизматини кўрсатиш

2018 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31-майдаги «Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 408-сонли Қарори асосида «Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» Давлат корхонаси бош директори М.Калонов амалдаги Институт Уставига мувофиқ иш юритувчи бундан буён «ИЖРОЧИ» деб аталувчи бир томондан ва \_\_\_\_\_ раҳбари \_\_\_\_\_ асосида иш юритувчи бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб аталувчи иккинчи томондан, қуйидаги шартномани тузди.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. «БУЮРТМАЧИ» талаби бўйича, «ИЖРОЧИ» шартноманинг 3.1 бандида келтириб ўтилган, автомобиль транспорти соҳасида фаолият олиб бораётган ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш вазифасини ўз зиммасига олади.

**II. МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ**

- 2.1. Малака ошириш курси, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режаси ёки ўқув курси дастурларига мувофиқ олиб борилади.
- 2.2. Малака ошириш курси 30 нафар тингловчидан иборат бўлган тақдирда, гуруҳ ташкил қилинади.
- 2.3. Назарий ва амалий машғулотлар «БУЮРТМАЧИ»нинг аудиторияларида ёки сайёр ҳолда олиб борилади.
- 2.4. Малака ошириш машғулотларнинг даври «БУЮРТМАЧИ» ва «ИЖРОЧИ» ўзаро келишувига мувофиқ олиб борилади.
- 2.5. «БУЮРТМАЧИ» томонидан юборилган тингловчи сабабсиз 4 соат дарсларга келмаган ва «ИЖРОЧИ»нинг ички тартиб қоидаларини бузган тақдирда, малака ошириш курсидан четлатилади.
- 2.6. Шартноманинг 5.1.1, 5.1.2 ва 5.1.3 бандларида келтириб ўтилган шартларни бажармаган тақдирда, «ИЖРОЧИ» томонидан «ТИНГЛОВЧИ»ни якуний имтихонга киришга руҳсат берилмайди.

**III. ГУРУҲЛАР СОНИ, ЎҚИШ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

**3.1**

№	Ўқув режа йўналиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (сўмда)	Умумий сумма (сўмда)
1	Ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш				
<b>Жами:</b>					
<b>Жами:</b>					

- 3.1.1. «БУЮРТМАЧИ» шартнома тузилган санадан ёки рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ банк иш куни давомида шартноманинг 3.1-бандида келтирилган умумий суммани олдиндан 100% тўлаган ҳолда «ИЖРОЧИ»нинг банк ҳисоб рақамига (пул кўчириш йўли билан) ўтказиб беради.
- 3.1.2 Мазкур шартноманинг 3.1. ва 3.1.1. бандларини ўз вақтида бажармаган тақдирда шартнома ўз кучини йўқотади.
- 3.1.3. Тингловчи мазкур шартноманинг 2.5, 5.1.1, 5.1.2, 5.1.3 ва 5.1.4 бандларига асосан курсдан четлатилган тақдирда, малака ошириш учун «ИЖРОЧИ»нинг ҳисобига ўтказилган пул маблағи «БУЮРТМАЧИ» га қайтарилмайди.
- 3.1.4 Ушбу тингловчи ёки «БУЮРТМАЧИ» томонидан қайта малака ошириш истаги пайдо бўлган тақдирда, малака ошириш учун («БУЮРТМАЧИ»)«ИЖРОЧИ» билан қайта янги шартнома тузади. Янги тузилган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

**IV. ИЖРОЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ**

- 4.1. «ИЖРОЧИ»нинг мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:
  - 4.1.1 Ўқиш жараёни сифатига ва ташкил қилинишига масъул ҳисобланади;
  - 4.1.3 Тингловчи малака ошириш курсини якунлагач ва якуний тест синовларидан ўтган тақдирдагина, ўрнатилган тартибда малака оширганлиги тўғрисида сертификат беради.
- 4.2. ИЖРОЧИНИНГ ҳуқуқлари қуйидагиларни ўз ичига олади:
  - 4.2.1 «БУЮРТМАЧИ» мазкур шартноманинг 2.5, 3.1, 3.1.1 ва 7.4 - бандларига риоя қилмаган тақдирда тингловчини малака ошириш курсидан четлаштиришга ҳақли;
  - 4.2.2 «ИЖРОЧИ» мазкур шартноманинг 2.3. - бандида келтирилган назарий ва амалий машғулотларнинг ўтказиш вақтини белгилашга ҳақлидир;
  - 4.2.3 «ИЖРОЧИ» мазкур шартноманинг 2.2. - банди келтириб ўтилган малака оширишга талабгорлар сони 30 дан иборат бўлган тақдирда, гуруҳ ташкил қилишга ҳақлидир;
  - 4.2.4 «ИЖРОЧИ»дан агар малака ошириш курсини давлат тилидан ташқари бошқа тилларда амалга ошириш талаб этилса бундай тақдирда талаб этиладиган тил тингловчиларининг сони 30 нафардан иборат бўлган тақдирда, малака ошириш курсини ташкил қилишга ҳақлидир.

**V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ**

- 5.1. «БУЮРТМАЧИ»нинг мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:
  - 5.1.1. «БУЮРТМАЧИ» «ИЖРОЧИ» билан ўртасида тузилган мазкур шартнома шартларига мувофиқ малака оширувчи яъни ҳайдовчи ходимларни ўз вақтида малака ошириш курсига юбориши шарт;

5.1.2. Малака ошириш учун ташриф буюрган шахс ёки «ТИНГЛОВЧИ» дарс жараёнларига ўз вақтида кечикмасдан келиши, дарс жараёнига ҳалақит бермаслик ва Институтнинг тингловчиларга қўйилган ички тартиб қоидалари билан танишиб унга тўлиқ амал қилиши шарт;

5.1.3. «ТИНГЛОВЧИ» сабабсиз дарс қолдирмаслиги шарт. Агар маълум бир сабабларга кўра ёки сабабсиз қолдирилган дарслар 4 соатни ташкил қилса, «ТИНГЛОВЧИ» «ИЖРОЧИНИНГ» розилигини олган ҳолда ўтказиб юборилган (қолдирган) дарс жараёнларини ўзлаштириши ва қайта топшириши лозим;

5.1.4. «ТИНГЛОВЧИ»ларнинг давоматини, яъни уларнинг дарс жараёнларига қатнашиш назоратини олиб бориш.

## 5.2. «БУЮРТМАЧИ»нинг ҳуқуқлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

5.2.1. 4 соатгача қолдирган дарсларни «ИЖРОЧИНИНГ» рухсатини олган ҳолда қайта ўзлаштириб, топширишга ҳақли;

5.2.2. Дарс жараёнида тушунмаган саволлар бўлган тақдирда тушунтириш сўрашга ҳақли.

## VI. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «БУЮРТМАЧИ» ва «ИЖРОЧИ» ушбу Шартноманинг шартларини тўлиқ бажармаган тақдирда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

6.2. Ушбу шартнома бўйича томонлар ўртасида ҳосил бўлган келишмовчиликлар Қонунларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

## VII. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартириш ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

7.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик Кодекси ва Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича амалга оширилади.

7.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга бу ҳақда камида **бир ой** олдин ёзма хабарнома юборади.

7.4. Ўқиш жараёни билан боғлиқ харажатлар ошиши муносабати билан малака ошириш курсининг нархи ошган ҳолларда, «БУЮРТМАЧИ» томонидан олдиндан **100%** тўловни амалга оширган бўлса ҳам ошган фарқ суммани мазкур шартноманинг **3.1.1 - бандида назарда тутилган тўлов шакли бўйича фарқ сумма «ИЖРОЧИ»**нинг банк ҳисоб рақамига **5 банк иш куни** ичида ўтказиб бериши шарт.

7.5. Нархлар ошиши туфайли ҳосил бўлган фарқ суммасининг тўловини амалга ошириш учун «БУЮРТМАЧИ» ва «ИЖРОЧИ» ўртасида ўзаро қўшимча келишув имзоланади.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар Қонунда белгиланган тартибда суд орқали ҳал қилинади.

## IX. ФОРС МАЖОР ҲОЛАТЛАР

9.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар “ёнгин, сув тошқини, zilзила ва бошқа шу каби ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари”, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

9.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан «БУЮРТМАЧИ» «ИЖРОЧИ» бир-бирига дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## X. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1. Шартнома имзоланиб, руйхатга олинган кундан кучга кириди ва «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилгача бўлган муддатда амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» Давлат қорхонаси

Манзил: инд:100147; Тошкент шаҳри Яшнабод тумани, Мумтоз кўчаси 5А

Телефон: (71) 231-12-67. (95)-196-44-43,

Факс/тел: (71) 231-12-68.

Х/р: 2021 0000 0041 5939 7001

Банк: ХАТБ «Туркистонбанк» Юнусобод тумани филиали МФО: 00898 ИНН: 203 783 260:

Окэд: 85590. Электрон почта: [ilm@uzaart.uz](mailto:ilm@uzaart.uz)

Бош директор \_\_\_\_\_ М.Калонов  
(имзо)

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_

М.Ў.

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О)

М.Ў.

201 \_\_ йил «\_\_» \_\_ даги №\_\_ сонли шартномага асосан  
201 \_\_ йил «\_\_» \_\_ даги №\_\_ сонли ҲИСОБ-ФАКТУРА- НАКЛАДНАЯ

**Бажарувчи:** "Автомобиль транспорти кадрлари  
малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти"  
Давлат корхонаси

**Буюртмачи:** \_\_\_\_\_

**Манзил:** 100147. Ташкент ш, М шох кўч.107-уй  
**Тел/факс:** (71) 231-12-67 (95) 196-44-43  
**Х/р:** 2021 0000 0041 5939 7001  
ХАТБ Туркистон Банк Юнусобод тум.фил  
**МФО:00898**

**Манзил:** \_\_\_\_\_  
**Телефон:** \_\_\_\_\_  
**Х/р:** \_\_\_\_\_  
**В:** \_\_\_\_\_

**СТИР:203783260 ОКЭД:85590**

**МФО:** \_\_\_\_\_ **СТИР:** \_\_\_\_\_  
**ОКЭД:** \_\_\_\_\_

№	Товар, иш ва кўрсатилган хизматларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сум)	Етказиб бериш нархи (сум)	Акциз. солиқ		Қ Қ С		Акциз ва ҚҚ солиқ билан етказиб бериш нархи
						Ставка	Сумма	Ставка	Сумма	
1	Хайдовчиларнинг малакасини ошириш					Акциз солиқсиз		ҚҚС сиз		
	Жами:									
Жами тўлов:										

Рахбар: \_\_\_\_\_

Қабул қилди: \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи: \_\_\_\_\_

201\_\_«\_\_»\_\_ даги №\_\_

Товар берувчи: \_\_\_\_\_

от "\_\_"\_\_ 20\_\_г.

20 \_\_ йил «\_\_» \_\_ даги \_\_ рақамли шартномага асосан  
**Бажарилган ишни топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги**  
20 \_\_ йил «\_\_» \_\_ даги №\_\_ сонли ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қуйидаги имзо чекувчилар "ИЖРОЧИ" вакили "Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти Давлат корхонаси Бош директори М.Калонов бир томондан ва "БУЮРТМАЧИ" \_\_\_\_\_ иккинчи томондан ушбу далолатномани шу ҳақда туздики, "ИЖРОЧИ" томонидан бажарилган ишлар шартнома шартларига мос келади. Бажарилган ишларнинг \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ )

сўмлик қиймати шартнома баҳосига мос келади.  
"БУЮРТМАЧИ" ишни қабул қилиб олди ва бажарилган ишга эътироз йўқ. Ушбу далолатнома "БУЮРТМАЧИ" ва "ИЖРОЧИ" ўртасида 20\_\_ йилдаги ишлар юзасидан ҳисоб-китоб олиб боришлари учун асос бўлади.

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

\_\_\_\_\_  
ИМЗО М.Ў.

\_\_\_\_\_  
ИМЗО М.Ў.